

МИНТАҚАДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Саатмуротов Шоҳрух Зафар ўғли,
Термиз давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада минтақада саноатни ривожлантиришни хорижий мамлакатлар тажрибаси ёритилган ва 5 та мамлакат мисолида очиб берилган.

Аннотация

В данной статье освещен и раскрыт опыт зарубежных стран в развитии промышленности региона на примере 5 стран.

Abstract

In this article, the experience of foreign countries in the development of industry in the region is highlighted and revealed on the example of 5 countries.

Калит сўзлар: Минтақа, саноат, хорижий тажриба, АҚШ тажрибаси, Япония тажрибаси, Франция тажрибаси, Хитой тажрибаси, Россия тажрибаси.

Ключевые слова: Регион, отрасль, зарубежный опыт, опыт США, опыт Японии, опыт Франции, опыт Китая, опыт России.

Key words: Region, industry, foreign experience, US experience, Japanese experience, French experience, Chinese experience, Russian experience.

Хорижий мамлакатларда саноатни ривожлантириш юзасидан тажрибалар тўпланган бўлиб, унга кўра ривожланган хорижий мамлакатларда саноатни ривожлантиришга оид умумий ёндашувлар мавжуд. Саноати ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, миллий хусусиятлар ва улар ўртасидаги улкан ижтимоий-иқтисодий фарқларга қарамай, саноат ривожланишида умумий хусусиятлар мавжуд бўлиб, бу саноат ривожланишида хусусий ташаббусни мавжудлиги ва давлатнинг иқтисодиётдаги фаол ўрни каби энг муҳим омилни ажратиб кўрсатишга имкон беради [1]. Мазкур омиллар таъсирдан келиб чиқиб, саноатни ривожлантиришнинг бозор ва давлат механизмлари ажратилади. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида саноат сиёсатининг асосий мақсади корхоналарни кенг миқёсда бирлаштириш эди. Бу бугунги кунда саноат скелетини ташкил этувчи кучли метаструктуралар - молиявий ва саноат гуруҳлари яратилиши билан яқунланди

[3]. Замонавий молиявий ва саноат гуруҳлари - фаолият табиати бўйича универсал ва кўп миллатли бирлашмалардир. Унга кўра, ғарбий Европа мамлакатларида бир хил соҳадаги ёки бир қатор соҳалардаги турли миллий компанияларни бирлаштириш орқали давлат концернларини яратиш кенг тарқалган бўлиб, бу иқтисодиётнинг саноат секторида давлат назоратини таъминлашга имкон берди. Акцияларнинг назорат пакетлари давлатга тегишли бўлган акциядорлик компанияларининг давлат мулкани бошқаришнинг ташкилий тузилмаси давлат холдинг компаниялари бўлган. Бироқ, дунё мамлакатларида давлат саноат сиёсатини амалга оширишда саноат сиёсати бўйича ихтисослаштирилган вазирликлар мавжуд эмас. Дунё мамлакатларида саноат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш унинг яна бир хусусиятидир. Анъанавий равишда у давлатга ва бозорга йўналтирилган саноат сиёсатига бўлинади. Саноатда турли жараёнларни бошқаришни таъминлаш “режаларни режалаштириш - бажариш - текшириш – тузатиш” ёпиқ цикли шароитида амалга оширилади.

Дарҳақиқат, жаҳонда иқтисодий ривожланган мамлакатлари илмий-техникавий тараққиётга асосланган фаол саноат сиёсатини олиб бормоқдалар. Масалан, АҚШ, Франция, Хитой, Франция, Россия ва бошқа мамлакатларда саноатни ривожлантириш мақсадларига эришиш учун илмий-техникавий режа ва дастурлардан кенг фойдаланилмоқда. Уларнинг ҳар бирига кенгроқ тўхталиб ўтамиз:

- АҚШ тажрибаси. Мамлакатда давлат саноатни ривожлантириш учун бозор механизмлари ва давлат томонидан тартибга солиш воситаларидан фойдаланилади ҳамда миллий компаниялар хорижий фирмалар билан рақобатида қўллаб-қувватланади. Ҳарбий-техник сиёсат инновацион сиёсат шаклларида бири эканлигини АҚШ тажрибаси яққол кўрсатди. Натижада, Америка иқтисодиётининг инновацион ривожланиши учун кучли туртки яратилди. Мамлакат саноат сиёсатининг ўзига хос хусусияти бундай бирлашмаларни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга оширишдир. Бунга катта бюджет инвестициялари йўналтирилади ва даромад солиғидан озод қилиш орқали қулай солиқ сиёсати амалга оширилади. Давлат холдинг компаниялари ўзларининг бозор стратегиясини амалга оширишда катта мустақилликка эришиб, уларнинг менежерларига мустақил сиёсат олиб бориш имконияти берилди. Бундай компанияларнинг иқтисодий фаолиятига давлат аралашуви юқори даражадаги менежерларни тайинлаш ва давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш билан чекланди.

- Япония тажрибаси. Японияда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг умуммиллий режалари мамлакатнинг бутун салоҳиятини миллий манфаатларга йўналтирувчи ва сафарбар қилувчи дастурлардир. Япониянинг иқтисодий ўсишининг энг диққатга сазовор хусусияти ишлаб чиқариш саноатининг жадал ривожланиши бўлиб, у ҳажм, сифат, хилма-хиллик ва самарадорликнинг ўсиши билан ажралиб туради. Асосий

эйтибор енгил саноатдан оғир саноат ва юқори ишлов бериш даражасига ўтди. Шундай қилиб, баъзи эски саноат тармоқлари, жумладан ёғочни қайта ишлаш, шунингдек тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати нисбий аҳамиятини йўқотди. Япония жаҳон кемасозлиги ва автомобиль ишлаб чиқарувчиси, қайта ишланмаган пўлат, синтетик каучук, алюминий, целлюлоза ва қоғознинг энг йирик ишлаб чиқарувчиси. Бу ерда дунёдаги энг йирик ва замонавий саноат корхоналари жойлашган. Япония ривожланган саноатга эга мамлакатдир. Яъни, 45 йилдан ортиқ вақт давомида Япония автомобилсозлик саноати дунёдаги энг ривожланган автомобиллардан бири ҳисобланади [6]. Жараёнларни автоматлаштиришга қарамай, саноат бутун дунё бўйлаб олти миллионга яқин кишини ва мамлакатнинг ўзида 700 мингга яқин кишини иш билан таъминлайди. Автомобилсозлик давлат ялпи ички маҳсулотининг 1/10 қисмини таъминлайди. Машина ишлаб чиқаришнинг фаол ривожланиши 20-йиллар ўрталарида бошланган.

- Франция тажрибаси. Франция саноат - иқтисодийнинг асосидир. Франция ўзининг автомобилсозлик саноати ва автомобил қисмларини ишлаб чиқариш билан машҳур бўлган. Мамлакатда озиқ-овқат саноати, айниқса шароб ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, энергетика ва тўқимачилик саноати бир хил даражада ривожланган. Бугунги кунда Франция “trendsetter (инновацияларни бошловчи)” сифатида тан олинган [4]. Франциядан келган дунёга машҳур ишлаб чиқарувчилар бўлиб, сут маҳсулотлари сотадиган Даноне компанияси, мода уйи, парфюмерия ва косметика бренди, турли автомобил гуруҳлари, умумий углеводород қазиб олиш бўйича дунёда тўртинчи ўринни эгаллаган нефть ишлаб чиқарувчи компания ва бошқалар ҳисобланади. Мамлакат саноати таркибини нефть ва газ саноати, энергия, муҳандислик, овқат, тўқимачилик, дори-дармон, электроника ва электротехника, рангли ва қора металлургия ва қурилиш саноати ташкил этади. Франциянинг машинасозлик саноати йилига камида 2 млн. дона автомобил ишлаб чиқаради ва бу мамлакатни 2019 йилда дунёдаги энг йирик автомобил ишлаб чиқарувчи 11-ўринни эгаллайди. Барча компаниялар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни бошладилар. Франция саноати бошқа ривожланган мамлакатлар сингари турли соҳалар нотекис ривожланган.

- Хитой тажрибаси. Мамлакатда саноат миллий иқтисодийнинг энг муҳим сектори бўлиб, у жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Хитойнинг ишлаб чиқариш саноатининг юқори ва барқарор ўсиши унинг “жаҳон фабрикаси” сифатида шаклланишига асос бўлиб, унинг улуши сўнгги йилларда жаҳон ишлаб чиқаришининг 27 фоизини ташкил этди [7]. Хитой ўз ислохотларида бошқа муваффақиятли Шарқий Осиё мамлакатларига ўхшаш моделга амал қилди. Ўсиш ишчи кучининг кўплиги, савдо ва экспортнинг очиклигини ошириш ва молиявий бозорларни босқичма-босқич эркинлаштиришга асосланган тезкор

саноатлаштиришга асосланди. Хитойнинг саноат ишлаб чиқаришини тубдан ўзгартиришга қаратилган кенг қамровли саноат сиёсати ҳукуматнинг “Хитойда ишлаб чиқарилган 2025” ўн йиллик режасида ўз аксини топади. Унда “ақлли” саноатнинг салоҳиятини кучайтириш орқали мамлакатни жаҳонда ишлаб чиқариш кучига айлантириш стратегияси баён этилади. Режада саноат инновацияларини такомиллаштириш, ахборот технологиялари ва ишлаб чиқаришни интегратсиялаш, саноат базасини мустаҳкамлаш, Хитой брендларини қўллаб-қувватлаш, “яшил” ишлаб чиқаришни жорий этиш, асосий секторда ютуқларни илгари суриш, ишлаб чиқариш секторини босқичма-босқич қайта қуриш, хизматга йўналтирилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни халқаролаштириш каби устувор йўналишларни амалга ошириш белгиланган.

Шунингдек, мамлакат учун янги ахборот технологиялари, рақамли бошқарув воситалари ва робототехника, космик ва авиация маҳсулотлари, денгиз ускуналари ва юқори технологияли кемалар, замонавий темир йўл транспорти ускуналари, энергия тежайдиган ва янги энергия воситалари, энергетика ускуналари, қишлоқ хўжалиги техникаси, биологик тиббиёт ва юқори технологияли тиббий маҳсулотлар каби ўнта устувор тармоқлар аниқланди. 2025 йилги режага кўра, Хитойнинг юқори технологияли саноатнинг асосий қисмлари ва асосий материалларини етказиб берувчиларининг ички бозор улушининг 70 фоизга ўсиши кутилмоқда [5]. Хитойда ишлаб чиқарилган 2025 йилгача режасининг ўзига хос хусусияти мамлакат раҳбариятининг иқтисодиётни бошқариш ва уни ўзгартиришда етакчи ролни сақлаб қолишдир. Бу сиёсат устуворликлари ва саноатни оқилона модернизация қилишнинг стратегик қарашларини белгилайди. Шунга кўра, режани муваффақиятли амалга ошириш учун институционал ислохотларни чуқурлаштириш, айниқса махсус давлат тузилмаларини яратиш ва молиявий ёрдамни кучайтириш бўйича давлат сиёсатига қайтиш режалаштирилган.

- Россия тажрибаси. Россияда саноатни бошқариш тузилмаси федерал ижроия органлари функцияларини иқтисодиёт соҳасида давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари бўйича тақсимлаш билан тавсифланади. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш бевосита федерал вазирликларга юклатилган. Давлат ҳокимияти органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқаролари томонидан федерал хизматларга нисбатан умумдавлат ҳуқуқатвор қоидаларининг бажарилиши давлат назорати ва назорати кабиларга ажратилади. Давлат мулкни бошқариш ва давлат хизматларини кўрсатиш функциялари ҳам федерал идоралар томонидан амалга оширилади. Мамлакатда саноат корхонаси самарадорлигини ошириш шарти мавжуд бозорларни ўрганишдир [2]. Бозорни ўрганиш жараёни узок даврга боғлиқ бўлиб, у таҳлил доирасини ўз ичига

олади. Унга кўра, соҳани ривожлантириш йўналишлари қуйидаги йўналишлар бўлиб ҳисобланади:

- бозорда тақдим этилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини ўрганиш ва унинг харидорлар эҳтиёжларини қондириш имкониятларини баҳолаш;
- потенциал харидорлар гуруҳлари бўйича жорий сегментацияни ўрганиш;
- рақобатчилар имкониятларини ўрганиш ва янгиларининг пайдо бўлиш эҳтимоли даражасини баҳолаш;
- ишлаб чиқаришни амалга оширишдаги ўзгаришлар сабабларини аниқлаш;
- ушбу маҳсулотнинг умумий таклифида маҳсулот улушини ошириш имкониятларини баҳолаш;
- харидорларнинг тўлов қобилиятини ҳисобга олган ҳолда уларнинг манфаатлари рўйхатини аниқлаш;
- рақобатчи томонидан сотувчиларнинг маҳорат даражасини баҳолаш.

Мазкур мамлакатларда тўпланган тажрибаларни умумлаштириб, қуйидаги жадвалда уларнинг асосий хусусиятларини кузатиш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал. Хорижий ривожланган мамлакатларда саноатни ривожлантириш тажрибалари¹

№	Мамлакатлар номи	Тўпланган тажрибаларнинг қисқача мазмуни
1	АҚШ	Бозор механизмлари ва тартибга солиш воситаларидан самарали фойдаланилиши, саноат соҳасига давлат бюджетидан кўп миқдорда маблағ ва инвестиция ажратилиши, бозор стратегиясини амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги
2	Япония	Саноат салоҳиятини барқарор ривожлантирувчи дастурларнинг қабул қилиниши, оғир ва қайта ишлаш саноат тармоқларининг ривожланганлиги, оғир саноатдан автомобиль саноатининг кенг таракқий қилиши
3	Франция	Саноатнинг автомобиль саноат тармоғининг етакчи бўлиши, саноат таркибининг бошқа тармоқларининг кенг таракқий қилганлиги, саноат тармоғининг мамлакатда нотекис жойлашуви, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бораётганлиги
4	Хитой	Саноат тармоғининг юқори ва барқарор ўсиш имконининг мавжудлиги, соҳани ривож учун экспорт ва молиявий бозорларни либераллашуви, 2025 йилгача “ақлли (смарт)” саноат тармоғи салоҳиятини ошириш ва соҳада инновацияларни қўлланилиши
5	Россия	Саноат соҳасини масъул органлар томонидан тартибга солиш усули ва давлат назоратини мавжудлиги, саноат соҳасининг таракқиёти учун бошқа бозорларнинг доимий мониторинг ва таҳлил қилиб борилиши

¹ Манба: Муаллиф ишланмаси.

Шундай қилиб, ривожланган мамлакатларда саноат сиёсати бир-бири билан боғлиқ бўлган бир қатор жиҳатларни қамраб олади. Бунда ишлаб чиқариш шарт-шароитларини тартибга солишнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини ўзгартириш, саноатни модернизация қилиш учун мамлакатда қулай шарт-шароитларни яратиш ва узлуксиз ва ўсувчан жиҳатларга эга бўлиш шarti сифатида жамоатчилик келишувини сақлашни назарда тутадиган институционал ривожланишдан иборат бўлади. Мамлакатларда илғор янги технологиялар ва ишлаб чиқаришларни жорий этиш орқали технологик тузилмани ўзгартиришни таъминловчи саноат ва технологик тараққиётга эришилади. Ҳамда саноатдаги фан-техника тараққиёти талабларига жавобан жамиятнинг касбий, ижтимоий ва таълим тузилиши ўзгаришини таъминловчи саноат сиёсатининг ижтимоий жиҳатларини ўзида акс эттиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гуссалов А.М., Кабисов К.А., Жермелев А.Ю. Цомаева Л.Т. Зарубежный опыт развития промышленности. // "Экономика и социум" №1(6), 2013. – с. 178. www.iupr.ru
2. Чельдиева З.К., Толпарова А.А. Особенности формирования экономики промышленных предприятий. // «Молодой учёный», №7 (141), February, 2017. (Economics and Management). – с. 299.
3. <https://studfile.net/preview/7754615/page:3/>
4. <https://www.evkoval.org/promyishlennoe-razvitie-frantsii-struktura-osobennosti-i-istoriya>
5. <https://www.evkoval.org/promyishlennoe-razvitie-kitaya-kontseptsiya-harakteristiki-i-plyusyi-i-minusyi>
6. <https://visasam.ru/emigration/economy/promyshlennost-yaponii.html>
7. <https://review.uz/post/scenarii-promshlennogo-razvitiya>